




Тасвир



АЁЛ ШАЪНИГА ДОҒ ТУШМАСИН!

Гўзаллик, назокат, садоқат ва меҳр-оқибат аёлларда муҳим. Аёлга табиат она бўлишдек буюк бахтни ато қилган. Бағрикенгликни, латофатни ато қилган. Аммо уларнинг айримлари, баъзи эркаклар сингари жиноятга қўл ураётганини эшитсанг ҳам негадир ишонгинг келмайди. Лекин, барибир ҳақиқат ҳақиқатда. Биз Андижон вилояти судининг раисаси Одинахон Ҳайдарова билан аёлларнинг жиноятга қўл уриш сабаблари, уларга бериладиган жазолар, жиноятларини енгиллаштирувчи ҳолатлари ҳақида суҳбатлашдик.

— Од-қохон Абдуллаевна, сўнгги йилларда хотин-қизлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг хусусиятлари ва турлари ҳақида гапириб берсангиз.

— Андижон вилоятида хотин-қизлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг сўнгги беш йилдаги аҳолини таҳлил қилиб чиқдик. 238 нафар хотин-қиз харидор ва буюртмачилар ҳақида хиёнат қилганлиги учун, 99 нафар аёл чайқовчиллиги учун, 32 нафар аёл мансабини суистеъмол қилиб, камоматга йўл қўйганлиги учун, бошқача айтганда давлат ва жамоат мулкни талон-тарож қилганлиги учун, 24 нафар фуқароларнинг шахсий мулкни ўмарганлиги учун, 26 нафар аёл баданга енгил шикаст етказганлиги учун, 14 нафар аёл товланчилиги ва фирибгарлиги учун, 10 нафар аёл қасддан баданга оғир шикаст етказганлиги учун, 9 нафар аёл безорилиги учун, 7 нафар аёл мансабдорлик жинояти учун, 7 нафар аёл қасддан одам ўлдирганлиги учун ишлари судда кўрилди.

— Жиноятга қўл урган аёлларнинг ёши ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Хотин-қизлардан 174 нафари 15 ёшдан 35 ёшгача, 144 нафари 36 ёшдан 45 ёшгача, 117 нафари 18 ёшдан 25 ёшгача, 82 нафарининг ёши эса 50 дан юқори бўлган.

Бўз туманидаги 22-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Наталья Долгодворова жиноятга қўл урганда ҳали балоғат ёшига етмаган эди. У оилада онаси, опаси, ўғай отаси билан яшаган. Назоратдан четда қолган. Опа-сингиллар енгил ҳаёт кечириш йўлига ўтиб олишган, шу тўғрисида тез-тез жанжаллашиб туришарди. Наталья опасидан қасддан ўч олиш мақсадида унинг юзига кислота сеппиб юборган. Бу иш Бўз тумани халқ судида кўриб чиқилди ва Н. Долгодворова 3 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Суд унинг ёшлигини инобатга олиб, жазони шартлига айлантиришни лозим топди.

— Дастлабки тергов даврида уларнинг жиноятларини енгиллаштирувчи ҳолатлар эътиборга олинмади!

— Жиноят содир қилиш билан боғлиқ бўлган ишларни тергов қилиш сифати ўрганилганда, аксарият ҳолларда тергов

органлари жиноят-процессуал мажмуаси талаблари асосида ҳаракат қилганликлари маълум бўлади. Шу билан бирга жиний жавобгарлиги даражаси ва характерини белгилашда уларнинг сийҳат-саломатлиги, оилавий шароити, турмуш тарзи, уй-жой билан таъминланиши, вояга етмаган фарзандларининг бор-йўқлиги эътиборга олинади.

— Суд ҳайъати жиноят содир этган аёлни муҳокама қилиш жараёнида шу жиноятга қўл уришга олиб келган сабабларни тўлиқ таҳлил қилади! Она тақдирини фарзанд тақдирини деб биламиз. Фарзандлар тақдирини исбатан бепарволик ҳолатлари юз бермаётгани!

— Сўнгги беш йилда 484 аёлнинг жиний ишлари бўйича ҳукм чиқарилиб, 228 нафар хотин-қиз озодликдан маҳрум қилинди. 123 нафарга бозорликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди. 25 нафар аёлга исбатан жазо шартлига айлантирилиб, меҳнатга мажбуран жалб этилди.

Ҳамроҳон Ҳасанова дастлабки терговда жумҳурият ЖМнинг 175-моддаси «А» банди билан айбланган. Москва тумани халқ суди бу жиний ишни кўриб чиқиб, айбланувчининг ҳаракатларида жиноят состави бўлмаганлиги сабабли оқлов ҳукми чиқарди. Суднинг бу ҳукми вилоят судининг ҳайъати томонидан ўзгаришсиз қолдирилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, судланувчиларга жазо тайинлашда маҳкумаларнинг вояга етмаган фарзандлари тақдирини тўла ҳисобга олмаслик ҳоллари ҳам бор. Масалан, Хўжаобод тумани халқ суди шу туманда истиқомат қилувчи Тожибархон Каримовани 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм чиқарди. Т. Каримованинг иккита вояга етмаган фарзанди бўлган. Суд мажлисида аниқланишича, Т. Каримова билан қайнонаси ўртасида мунтазам жанжал ва келишмовчиликлар бўлиб турган. Қайнонаси келинини «бузуқ» деб ҳақорат қилган. Болаларини «ҳароми» деб камситган. 80 ёшли қайнонаси «ўйнаш» қилган. Шундай жанжаллар, хўрлашлар, ҳақоратлар келинининг сабр қосасини тўлдирди. У қайнонасининг бошига печканинг қопқоғи билан уриб, ўлимига сабабчи бўлган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бугун аёллар ўртасида жиноятчиликни камайтириш, буткул йўқотиш ҳақида кўпчилик бўлиб беш қотиришимиз лозим. Айтишадикки «кўпдан кўн қочиб куч ҳеч қачон АЁЛ шаънига тушатишмас».

К. БАҲОДИРОВ,
«Коммунист» рўзномаси муҳбири.

Р. ОТАХОНОВ,
Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси матбуот гуруҳи ходими ички хизмат майори.



Албатта, милиция ходимларининг хизматлари ҳеч қачон осон бўлмаган. Буни инкор этмаган ҳолда гаъкидлаш керакки, пост-патрул хизмати ходимларига хизматни осойишта ўтказиш ҳеч қачон насиб қилмаган. Чунки одамларнинг тинчлиги кўп жиҳатдан уларнинг қандай ишлаши билан белгиланади. Буни чуқур англаб етган Янгир шаҳар ИИБ қошидаги пост-патрул хизмати ходимлари нечани неча, кундузни кундуз демай ўз вазифаларини аъло даражада бажариб келишмоқда.

Бўлинмага тажрибали милиционер Тўхтақўзи Норқўзиев раҳбарлик қилмоқда. У ўзининг ишбилармонлиги, тезкорлиги билан халқ орасида обрў топанлардан. Ходимлардан Холдор Эсонов, Гофиржон Усмонов, Саттор Эгамбердиевлар ўз касбини пухта билган йигитлардан.

Суратларда: милиция старшинаси Т. Норқўзиев, милиционер-ҳайдовчи Х. Эсонов ва оддий милиционер Р. Усмоновларга навбатдаги топшириқни бермоқда:

милиция старшинаси С. Эгамбердиев оператив хабарни маълум қилмоқда.

Х. ШОДИЕВ олган суратлар.

«02» ХАБАРЛАРИ

ТАРТИБ БУЗУВЧИ ҚўЛГА ОЛИНДИ

Яқинда Чилонзор тумани ички ишлар бўлими участка инспектори милиция лейтенанти М. Мекудашвили кундуз кўни тахминан соат 12ларга яқин ўз участкасини айланиб юрар экан, бир чеккада ўтирган уч киши диққатини тортди. Улар олдиларига шишалар қўйиб олиб, бемалол спиртли ичимлик ичишаётган эди. Участка вакилининг огоҳлантиришига қарамай улар ичкилик ичишни давом эттиришарди. Биттаси эса уйдан болта кўтариб чиқиб, участка вакилига ташланди. Милиционернинг ўзини ҳимоя қилишдан бошқа чораси қолмади, тўппончадан икки марта огоҳлантириш ўқини узишга мажбур бўлди. Шундан сўнг у чаққон ҳаракат қилиб, тартиб бузувчини қўлга олди ва ИИБга топширди. Тартиббузар фуқаро Г. Маханов 1953 йилда туғилган, муқаддам судланган экан. Чилонзор ту-

мани бу иш бўйича тергов ҳаракатларини бошлаб юборди. Энди у ўз қилмиши учун суд олдида жавоб бериши аниқ.

ГИЛАМ УҒРИСИ

Ҳамза тумани ИИБ ходими милиция кичик лейтенанти Қ. Мирзаалиев олқасига гилам ортмоқлаб олган; ниҳоятда ҳаяжонланганидан терлаб-пишиб кетган, кўзлари олма тираётган йўловчинни тўхтатиб, ҳужжат сўради. Номалум шахс ҳужжат кўрсатиш ўрнига, «қўрққан олдин мушт кўтарар» деган нақлга амал қилди. Милиция ходимини дўппослашга тушди. Мирзаалиев ҳам қараб тургани йўқ. Бир-неча марта осмонга қарата огоҳлантириш учун тўппончадан ўқ узди. Шунга қарамай номалум кимса ҳужумни тўхтатмади. Милиционер унинг об-ғига ўқ узишга мажбур бўлди. Аниқлаишича, бу гилам ўғриси Турдимуродов экан. Тергов ишлари бошлаб юборилди.

БЕПАРВОЛИК ОҚИБАТИ — ФАЛОКАТ

Яқинда «РАФ-2203» белгили, 71—37 ТНМ рақамли кичик автобус ҳайдовчиси Л. Шенанский Уйғур кўчаси бўйлаб кетаётганда, йўл четига турган тўсиққа қаттиқ урилади. Натижада бир киши касалхонага ётқизилди, қолган тўрт киши эса енгил жароҳат олади.

Фаргона вилоятининг Кува туманида эса бепарволик оқибатида бундан ҳам хунук ва ачинарли фалокат юз берди. Фуқаро И. Мамажонов «Москвич»-412 маркали, М 11-27 ФЕ рақамли машинасини Дамариқ кишлоғи ҳудудида бошқариб борар экан, ўз йўли қилиб, қарама-қарши томонга чиқиб кетди. Бунинг натижасида эса Б. Собиров бошқариб бораётган автомашина билан тўқнашди. Воқеа содир бўлган ерда бир киши ҳалок бўлди, қолган уч киши эса касалхонага ётқизилди.

**Қодиржон
МУҲАММАДЖОНОВ.**
милиция майори.

ЁШ МИЛИЦИОНЕРЛАР СЛЁТИ

Туямўйин сув иншоотида тегишли улкан бино олдидаги чиройли темир панжара билан ўралган майдон милиция формаси кийган ёшлар билан гавжум. Айримлари гувиллаб оқётган сувни томоша қилиб ўзаро гурунглашяпти, бошқалари Дўжба шаҳар ИИБ бошлиғи милиция подполковниги М. Эгамбердиевнинг сув иншооти ҳақидаги ҳикоясини мароқ билан тинглашяпти. Нарироқда ўн-ун беш нафар ёш сержант ва офицерлар кўкрагида орден ва медал планкалари ялтираб турган қоматини ҳарбийларга хос тик тутган, оқ сочли, истараси иссиқ кишини ўраб олишган.

— Уруш йиллари эди. Хув, ана у қир ёнбағрида кичик қишлоқ бўларди, — дейди Абдулла ака Жуманиёзов. — Немислар Амударё кўпригини портлатиш мақсадида қишлоқ яқинида десант туширишди. Мен унда Ҳазорасп тумани милициясининг бошлиғи бўлиб ишлардим. Марказга бу ҳақда дарҳол хабар қилдик. Ёрдамга етиб келган НКВД қисмлари билан ҳамкорликда десантни йўқ қилдик.

Балки бу саргларни ўқийган рўзнамасевар кўнглига мамлакатимиз ва жумҳуриятимизда жиноятчиликка қарши кураш танг аҳволга тушиб турган шундай пайтда милиционерлар нимага сайр қилиб юришибди, деган фикр келар. Тўғри, ҳозир милиция ходимлари учун долзарб дамлар. Лекин милиция формасини эндигина кийган ёшларни ички ишлар органларидаги қийин хизмат ўнқирчўнқирликларидан огоҳ этилсагина, бу касбга меҳр-муҳаббат уйғотилсагина ёш ходимдан ҳақиқий ҳуқуқ тартибот ҳимоячиси чиқиши мумкин. Буни эътиборга олган Хоразм вилояти ИИБ Дўжба шаҳрида «Касбим-фаҳрим» темасида ёш ходимларнинг вилоят слётини ўтказди. Слётда ёш милиционерлар билан бирга туман, шаҳар ИИБ бошлиқларининг шахсий таркиб билан ишловчи ўринбосарлари, милиция фахрийлари, ёшлар ташкилотларининг вакиллари қатнашди. Слётни вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари милиция майори Ш. Отажонов кириш сўзи билан очди.

— Вилоятимизнинг кўп сонли милиция жамоаси орасида ёшлар 70 фоизни ташкил этади, — деди у, — уларнинг кўпчилиги байналмилалчи-жангчилардир. Милиция хизматидаги қийин-

чиликларга мардонавор дош бераётган бу йигитлар давлатимиз манфаати ва эл осойишталигини сақлаш йўлида ўз бурчларини сидқидилдан адо этишмоқда.

Шундан кейин милиция идораларида ўттиз йилдан ортиқ хизмат қилган истеъфодаги майорлар Абдулла Жуманиёзов, Уринбой Абдукаримов, Петр Сенович Тенгилевлар ўз хотиралари билан ўртоқлашишди.

Сўзга чиққан вилоят ИИБ ходими, бошқарма байналмилалчи жангчилар кенгашининг раиси, милиция капитани Илҳом Ғойибов, Дўжба шаҳар ИИБ милиционерлари Зариф Ражабов, Хива тумани ИИБ милиционерлари Омонбой Паноев, Урганч шаҳар ИИБ ЖКБ оператив вакили Рашид Зарипов ва бошқалар оталар анъаналарига содиқ қолишга, милиция ходими номига доғ туширмасликка сўз бердилар.

Вилоят ИИБ бошлиғининг бир қатор ёш милиция ходимларини ишдаги муваффақиятлари учун тақдирлаш тўғрисидаги буйруғи эълон қилинди. Мукофотланганлар орасида Гурлан тумани ИИБ участка инспектори, милиция катта

лейтенанти Отахон Утамуродов, Дўжба шаҳар ИИБ милиционери катта сержант Ганжа Абдураимов, Янгибозор ИИБ навбатчилик қисмининг милиционери, сержант Фарҳод Сапарбоев, Хива тумани ИИБ милиционери кичик сержант Омон Паноевлар бор.

Вилоят комсомол қўмитасининг бўлим мудирини, вилоят байналмилалчи жангчилар кенгаши раиси Саъдулла Абдуллаев бир гуруҳ милиция ходимларига комсомол қўмитасининг қимматбаҳо буюмларини топширди.

Слёт қатнашчилари Туямўйин гидроиншооти ва шаҳар спорт комплексига саёҳат қилдилар. Дўжба шаҳар мусиқа мактаби жамоаси аъзолари ижросидаги ашулаларни тинглаб, рақсларни томоша этдилар.

Саъдулла БОБОЕВ.

Суратларда: 1. Милиция фахрийси Абдулла Жуманиёзов ёшлар билан суҳбатда. 2. Вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари Ш. Отажонов Дўжба шаҳар ИИБ милиционери Ганжа Абдураимовга пул мукофотини топширмоқда.

Муаллиф олган суратлар.



ЛАҚМАЛАР БОР БЎЛСИН, ДЕГАНДИ...

— Вой, ануви хушбичим йигитчани айтаяписизми? Ҳа, кўрсак таниймиз. Аммо унинг бунақа устасифаранглигини мутлақо билмаган эканмиз...

ЖКБ оператив ходимларидан милиция капитани Рустам Тожиёв ва милиция катта лейтенанти Собиржон Салимовлар Ибн Сино ва Жарариқ даҳаларида яшовчи аҳолидан ана шу сўзларни кўп эшитадилар. Лекин бу каби афсуснамо гувоҳликларнинг жиноятни фош этишда сариқ чақалик қадри йўқ.

Фирибгар эса анча-мунча ишларни қилишга улгурган. Юқорида айтилган даҳаларда гоҳ сантехник, гоҳ электрик сифатида хонадонларга кириб, уй эгаларини авраб, анча-мунча нарсаларни ўмарошга муваффақ бўлган. Отаналар ишга кетган хонадонларда эса болаларнинг оёқ-қўлларини боғлаб, кўзига

яхши кўринган буюмларни орқалайверган.

Ҳатто Ибн Сино даҳасидаги 15-уйда истиқомат қилувчи 25 кишидан 50 сўмдан йиғиб олган. Баҳона — видеокабель ўтказиш.

Соддаликни қарангки, бирор киши ҳам унинг кимлиги ёки қаерда туриши билан қизиқмаган. Қайси ташкилотда ишлашини сўрамаган. Туланган пул учун тилхат ёки квитанция талаб қилиш ҳам ҳеч кимнинг ёдига келмаган.

Яқинда ана шу фирибгар — Тошкент шаҳрининг Октябрь туманида, Шуманай кўчасидаги 10-уйда истиқомат қиладиган, 1973 йилда туғилган Сарвар Ҳусанович Нурмухаммедов қўлга олинди.

Абдурашид ШОДИЕВ, Октябрь тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари милиция майори.

Чинобод ип-газлама комбинати жамоаси Ғанижон Абдураҳмоновни милиция соҳасида ишлашга тавсия этиб янглишмаган экан. Милиция лейтенанти унвонини олган бу йигит ҳозирги кунда Олтинқул тумани ички ишлар бўлимининг энг фаол ходимларидан бири ҳисобланади.

— Айни кунларда менинг назоратимда 70 нафар мажбурий хизматга ҳуки қилинганлар бор, — дейди Ғ. Абдураҳмонов. — Улар билан доимо мулоим гаплашишга, керак бўлса, сирлашишга ҳаракат қиламан. Менинг ширин кўнрадагича: бундай кишиларни дўқ-пўнса билан қайта тарбиялаб бўлмайди. Фақат яхши сўзлар билангина уларнинг қалбига эзгулик уруғини сеппиш мумкин. Сураткаш В. КЛЕЙМАН.



Бундан бир неча йил муқаддам бошлиғимиз тўй қиладиган бўлди. Дам олиш кунларидан бирида биз аёллар ҳам эркакларга қўшилиб, уларникига ҳашарга бордик.

Деворнинг сувоқлари тўкилган жойларини таъмирлаш, оқлаш, ҳовли саҳнини текислаш каби юмушлар учун мардикор сифатида уч нафар йигитни таклиф қилишган экан.

Йигитлар жуда меҳнатқаш экан, икки кунга мўлжалланган ишни ярим тунгача бўлса ҳам, ўша кунбёқ битириб кетишди.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, тушлиқда ўз хонамизда мой ичиб ўтирардик.

— Бизникида ишлаган йигитларга эътибор бердингизми? — деб сўраб қолди бошлиқ. — Шуларнинг биттаси — ўрта бўйлиги менга жуда ёқиб қолди. Агар рози бўлса, ёлғиз

билилгоҳга кириш ҳаракатида. — Биз ҳам талабамиз, ака. Уйдагиларга оғир тушмасин, деб...

У бир оз жим қолдида, яна бошлиққа юзланди.

— Агар лозим топсангиз, кичик ўғлингизни бизга қўшиб қўйинг. Қўли гул уста бўлади. Йигит кишига қирқ хунар оз, деганлар...

Юрагим увишиб кетди. Бу ёғи қандай бўлди? Сиркаси сув кўтармайдиган полковникни бу таклиф ранжитишидан чўчидим.

Йўқ, бошлиғим ранжимасди. Хиёл бўшашиб, ундан ўзи ҳақида батафсилроқ гапириб беришини сўради.

— Сизникига борган икки дўстим — учовимиз ҳам Фарғонаданмиз. Тошкентга ўқишга келганмиз. Отам уруш ногирони. Онам ҳам бир умр боши меҳнатдан чиқмаган. Ҳозир ка-

ТУРМУШ САВОҚЛАРИ

ФАХРЛАНГИН, ҚЎШНИ ҚИЗ!

гина қизимни бериб, уларнинг келажакини оталиққа олган бўлар эдим.

Мен эса хайрон бўлдим. — Уни қаердан ҳам топардингиз...

— Мана, кўрасиз, унинг ўзи олдимга келади. Албатта келади, йўлини қилиб қўйганман.

Ушанда ишонмаган эдим. Йўқ, бошлиғимнинг гапи тўғри чикди. Бир ҳафта ўтар-ўтмас хонамизга дид билан кийинган бир йигитча кириб келиб, одоб билан сўрашди.

Аваллига танимадим, кейин синчиклаб қарасам, бу — ўша, бошлиғимизнинг меҳрини қозонган мардикор йигит эди. Бошлиғимиз кимни куёв қилишни яхши билади, анойи эмас, деб ўйладим. Тўғриси, озроқ ҳасад ҳам қилдим.

— Ака, ўша кундан бери неча марталаб келишга ҳаракат қилдим, вақт тополмадим. Мана бугун сиз билан кўришиш насиб этган экан.

Бошлиғим: «Кўрдингизми, нима деган эдим?» — дегандек менга бир қараб қўйдида, йигитни ўтиришга таклиф қилди.

Йигит қурмагур ёш бўлса ҳам шаддотроқ экан, сўзида давом этди.

— Янглишмасам, учта ўғлингиз бор экан. Нима учун бизни хизматга таклиф этдингиз? Яна анчагина ҳақ ҳам тўладингиз. Нахотки, шу арзиммаган лой ишларини улар қилишолмас!

Бошлиқ бир оз қизаринқиради.

— Гапингиз тўғри, лекин ўғилларимнинг катталари ўқиш билан бўлиб, бундай ишларни эплашолмайди. Учинчиси эса мактабни тугатди. Ҳозир олий

салманд бўлиб қолган. Оилада икки ўғилмиз.

Қишлоғимиз тоғ ёнбағрига жойлашган. Сув ва йўл масаласи жуда ҳаток. Айниқса, қишда қийин. Ота-онанинг соғлиги ёмонлиги учун кўп қийналганмиз.

Шунинг учун укам Белорусияда ўқияпти. Тоғ йўллари қурилиши бўйича мутахассис бўлади. Мен эса ирригаторликка ўқияпман.

Ёзги таътилда мардикорлик қиламан. Кейин вақт топиб қишлоққа бориб, жамғарманни ташлаб келаман.

— Сиз бу ёқдасиз, ота-онангиз қийналиб қолишмайди?

— Тўғри, бир оз қийин, — деди йигит ўйчан тортиб. — Лекин начора? Ҳар ҳолда қўшни қиз майда-чуйда юмушларига қарашиб туради.

«Қўшни қиз» деганда унинг кўзларида шунақа ёқимли жилва пайдо бўлдики, оналик меҳри билан пешонасидан ўпгим келди.

Бошлиғим секин-аста мақсадга кўчди.

— Келажакда режангиз қандай? Эҳтимол, ўқишни битиргач, бизнинг идорамизга ишга келарсиз?

— Йўқ! — йигит чўрт кесди. — Мени қишлоқда қуттишяпти.

Кейин чўнтагидан юз сўм чиқариб, бошлиққа узатди.

— Уша куни конвертдан келишилганидан ортиқча чикди бу пуллар. Шунин олиб келувдим.

Кейин у яна одоб билан хайрлашиб, чиқиб кетди.

Революция ҲАСАНОВА, милиция капитани.

АКС-САДО

ЧОРА КЎРИШ ШАРТ

Мен «Постда» рўзнамасининг 17 сентябрь кунги сонидagi

«Қачонгача фоҳишаларни эъзозлаймиз!» сарлавҳали мақолаи ўқиб чиққач, муаллиф кўтарган муаммонинг ниҳоятда долзарблигини, ечимини кечиктириб бўлмаслигини англаб етдим. Ахир жумҳуриятимизнинг софлигини, соғлигини бузётган биринчи навбатда шуларку! Мақолада муаллиф келтириб ўтган таклифларга мен ҳам қўшиламан ва қўллаб-қувватлайман.

Анзира ПИРМАТОВА, Жиззах шаҳри.

ДОИМИЙ КУРГАЗМА



Германия ЭЦГ фирмаси вакиллари полиция (милиция)га махсус техника ҳамда анжомлар етказиб бериш борасида барча манфаатдор ташкилотлар билан шартнома тузиш учун жумҳуриятимиз ИИБга 29 сентябрь кuni етиб келдилар.

Вазирлик ташқи алоқалар бўлимаси ходими А. Будановнинг тахририятимизга хабар қилишича, ҳозиргача имзоланган ҳужжатлар қиймати 900 минг маркадан ошиб кетди.

Фарғона ва Бухоро вилоятлари ички ишлар бошқармалари, Андижондаги темир йул ва Шаҳриябза шаҳар ички ишлар бўлиmlари чет элда тайёрланган махсус техника воситаларидан фойда-

ланиш имкониятини қўлга киритдилар. Бунинг учун шу вилоят ва шаҳар ташкилотлари томонидан 50 минг марка пул ажратилди.

Худди шунингдек, Тошкент шаҳридаги Куйбишев тумани ИИБга ҳам замонавий анжомлар туркуми бериладиган бўлди.

Агар бошқа ички ишлар идоралари ҳам шу мақсад йўлида оталиқ ташкилотлар топишда ташаббус кўрсатсалар ёмон бўлмасди.

ЭЦГ фирмаси вакиллари жумҳуриятимизда 6 октябргача бўлишади. Демак, қизиққан барча ташкилот ва корхоналар учун улар билан шартнома тузишга вақт ва имконият бор.

ФИКРИМНИ БИЛДИРАМАН

«НАВБАҲОР» НАМАНГАННИКИМИ?

Утган йили қанча-қанча мухлисларнинг олқишлари билан «Навбаҳор» биринчи лигага кўтарилди. Қувонч-шодликнинг чеки йўқ эди... Жамоа ҳозирги кунда қандай ўйин кўрсатяпти? Агар тўғриси айтиш бўлса, ёмон эмас. Лиганинг энг кучли жамоаларини ҳам бир неча бор доғда қолдирди. Ўйин услуби ҳам ўзига хос. Шундай бўлсада, «Навбаҳор»нинг эртанги кунига ишонса бўладими? Келажакда ҳам у яхши ўйин кўрсата оладими? Шахсан, мен ишонмайман.

Гоҳида «Навбаҳор» ҳақиқатан ҳам Наманганнинг жамоасими деган ўйга ҳам бориб қоласан. Ахир, ўзингиз унинг таркибига бир эътибор беринг: Д. Башкевич (Жамбул), О. Латышкин (Тошкент), В. Сисенко (Краснодар), И. Близнюк (Белоруссия), С. Доронченко (Краснодар), В. Бунтов (Тошкент), С. Андреев (Тошкент), Р. Забинов (Душанбе), Г. Скрипкин (Запорожье), Д. Гуленков (Москва)... Қани наманганликлар?

Улар бор-йўғи икки киши. Сафар Алибоев ва Мустафо Байрамов. Бор-йўғи икки киши! Шундай экан, қайси далилларга суяниб жамоанинг

эртанги кунига ишониш мумкин? Далиллар йўқ! Юқорида исм-шарифлари қайд этилган ўйинчилар жамоада муқим қолишадими? Асло!

Тренерлар учун ўйин бўлса бас. Бир ўйинчини тарбия қилиш анча қийинчиликлар билан кечади. Кўп вақт талаб қилади. Яхшиси, четдан тайёр ўйинчи олиб келган маъқулда. Лекин барибир савол туғилади: «Навбаҳор»га маҳаллий кадрлар жалб қилинадими-йўқми?

Яқинда мен 1979-1980 йилларда туғилган ёшлар, яъни «Виктория» ва «Заря» жамоалари ўртасидаги учрашувнинг шоҳиди бўлдим. Ўйин — ниҳоятда чиройли ўтди. Тренер А. Бандуров майдон бўйлаб югурар, шоғирдларига кўрсатмалар берар, гоҳида қаттиқ уришиб ҳам қўярди. Кейин эшитсам, унинг ойлиги бор-йўғи 140 сўм экан... Яхши тренерлар бу ойлик билан узоқ ишламайдилар. Ўринбосарлар тайёрлашга эътибор бундай бўлгач, «Навбаҳор»нинг келажакдан ташвишга тушиб қоларкансан, киши. Бу ҳолат қачонгача давом этаркан?

Неъматжон МАМАЖОНОВ, милиция майори.



ТАЛАБ ҚИЛИШНИ БИЛАМИЗ, АММО...

Эл осойишталиги йўлида ҳалол хизмат қилиб келаётган милиция ходимлари номига айтилаётган миннатдорчилик сўзлари оз эмас. Аммо уларнинг шаънига отилаётган таъна тошлари ҳам етарлича.

Милиция олдига ҳақ-ноҳақ талабларни қўяверамиз. Кўзимиз олдида рўй берган жиноятга гувоҳлик беришдан бош тортамиз, аммо унинг ечимини талаб қилишни унутмаймиз. Милицияда ишлайдиганлар ҳам инсон зотидан. Темирдан ясалган эмас! Улар ҳам ёрдамга муҳтож бўлади. Биз эса юз ўгирамиз. Айрим ҳолларда бажаришимиз шарт бўлган нарсаларни ҳам қилмаймиз.

Мана, сизга оддийгина бир мисол.

Яқинда иш юзасидан Жиззах шаҳрида бўлдим. Шаҳар марказидаги бозор олдида ўтадиган йўл ниҳоятда серқатнов. Бир пайт бозорнинг олдигинасига бир машина келиб тўхтади. Уша жойда хизмат вазифасини ўтаётган ДАН ходими ҳайдовчига деди:

— Кечирасиз, бу ер машина қўядиган жой эмас. Четга олинг.

— Намунча гижиллайсиз, ҳозир чиқаман. Беш минут турса нима қилибди!

Ҳайдовчининг ҳақоратомуз муомаласидан ҳайратга тушдим.

— У, ука, — деди милиционер, — сизга айтипман, олинг машинани!

— Э, бор! — деганча ҳайдовчи машинани ўрта йўлда қолдириб, бозорга кириб кетди. Қайтиб чиққач, ҳалиги милиционер унга жарима тўлаш кераклигини айтди.

— Мен ҳеч қанақа қонданни бузганим йўқ. Бор иншингни қил, — деди сурбетлик билан ҳайдовчи.

Воқеанинг давомини атайлаб келтирмадим. Хулосани рўзномасеварларнинг ўзлари чиқариб олишади.

Илҳом ЮНУСОВ, Зомни тумани.

САНЪАТКОРГА МУНОСАБАТ ШУМИ?

Биз рўзноманинг 31 август кунги сонидан чоп этилган милиция майори Раҳмонали Турсуналиевнинг «Масхарабозлик» сарлавҳали луқмасини ўқиб, қаттиқ ранжидик.

Муаллиф бу мақолада шу йил 26 август кунини Узбекистон ойнаи жаҳони орқали намойиш этилган «Чархпалак» ёки «Бахтингдан кўри!» номли кўрсатуви «ижтиҳоти» билан томоша қилганлигини баён этиб, бошловчи — Соат Шариповнинг ўзини тутуши, ҳатти-ҳаракатларини «бачканаликда», «қуруқликда» айблади. Бу кўрсатувда иштирок этган «ғолиблар»ни оддий арифметика жадвалини ҳам билмайдиган «гумроқлар»га чиқариб қўяди. Унинг эфирга чиқарилишини қоралаб, «бир гуруҳ соддаларни рўқач қилиб, ўзбекини бекорга, асоссиз масхаралашнинг нима кераги бор?» деб даъво қилади.

Бир қарашда муаллиф ушбу мақолани азбаройи санъатга жони куйганлигидан ёзгандек бўлиб туюлади. Лекин, чуқурроқ мушоада қилиб кўрилганда эса, у ўзининг ноўрин шошқалоқлиги оқибатида халқимиз орасида аллақачон ҳазил-мутойибага бой, сермазмун ижрочилик маҳорати билан танилган, эл меҳрини қозона олган сеvimли бир санъаткорни ёмонотликка чиқариб қўйганлиги аён бўлади.

Ахир, санъаткорнинг қадри-қиммати, обрўси унинг биринчи соатлик кўрсатувдаги ижросига қараб белгиланмайди-ку!

Соат Шариповнинг ўзига хос услуб эгаси, янгиликка интилувчи, изланувчан қобилият соҳиби, ўзбек халқининг миллий урф-одатлари, анъаналарини ўзида акс эттирувчи турли-туман кўрсатувлар муаллифи эканлиги барчамизга маълум эмасми!

Кўп сонли телетомошабинларимиз томонидан орзиқиб кутилган ва мириқиб томоша қилинган «Кўшиқларда қиз қалби», «Иқбол», «Қувноқлар ва зукколар» каби мароқли кўрсатувларнинг рўёбга чиқишида унинг ташаббускорлигини инкор этиб бўлармикини?!

АКС—САДО

«Беайб — ёлғиз парвардигор» дейишади. «Чархпалак» ёки «Бахтингдан кўри!» кўрсатувининг ҳали янги, эндигина куртак отаётган ниҳолдек ёш кўрсатув эканлиги сир эмас. Шу боисдан у баъзи хато ва камчиликлардан холи эмаслиги табиий.

Кўрсатув ниҳоясида телетомошабинлардан бу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларини ва турли саволлар, ҳамда бошқотирмалар ёзиб юбориб, унинг янада қизиқарли бўлиши учун ҳисса қўшишлари сўралиши ҳам бежиз эмас.

Сиз эса, ўртоқ майор, бу кўрсатув тахририятга ўз фикрингизни билдириб, ақалли бирор марта мактуб йўллаганмисиз?

Йўқ, дейсизми? Ҳа, баракалла, чеккадан туриб, танқид қилишдан осони йўқ...

Сизга ўхшаш «санъат жонқуярлари» бу кўрсатувини «масхарабозлик» деб атаб, халқимиз орасидан етишиб чиққан бир талант соҳибининг шаънига номуносиб таъна тошларини отиб, бутун жумҳурият мутолаа қиладиган рўзномада унинг номига лой чаплагандан кўра, ўз фикрларини санъаткорнинг ўзига ёки кўрсатув тахририятга мактуб орқали издор этишни лозим кўрганларда эди, гоёт оқилона иш бўлур эди.

Рўзномада чоп этилган бу луқмага кўзи тушган санъаткоримизнинг дили қанчалик хуфтон бўлиши, бир неча кун кўли ишга бормай, саҳнага чиқди дегунча, «бачкана қилиқ қилиб қўймапманмикини!» — деган андиша ва ҳадик ичиде қолиб, ўз маҳоратини эмин-эркин намойиш этолмаслиги турган гап. Зеро, эркинлик ҳисси санъаткор учун энг зарур омиллардан биридир.

«Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ» деганларидек, «меҳнатдан ҳеч бош кўтармаган деҳқон эл»имиз орасидан давр тақозоси билан етишиб чиққан ноёб қобилият эгаларига, ўз санъаткоримизга шунақа муносабатда бўлаверсак, бу худбинлигимизнинг оқибати нималарга олиб келиши маълум.

Шу боисдан, кундан-кун санъатнинг турли соҳаларида ўз иқтидорини намойиш этиб, халқимиз дилини хушнуд қилиб келаётган санъаткоримиз — Соат Шариповга бу хилдаги таъна-маломатларга қарши курашда сабот ва бардош тилаймиз!

Мевасиз дархтга тош отмайдилар. Мевали дархт эса ўз лазиз меваси билан қанчалик сийламасин, барибир ўзига отилган аёвсиз тошлар зарбига дуч келавериши ҳам азалий қонундир. Эркин гуллавергин, мевали дархт!

Буҳоро вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари:

Милиция капитани Насриддин МУҲАМЕДОВ, Милиция майори Исрол ЖАЛОЛОВ, Милиция лейтенанти Зикрилла НЕЪМАТОВ, Байналмилалчи жангчи милиция капитани Мухтор МУҲСИНОВ.

«ПОЙГАЧИЛАР»

Фарғоналик Т. Шамсуддинов К 44-57 ФЕ рақамли шахсий машинасида, наманганлик М. Баротов В 44-16 НА, фарғоналик М. Қўчқоров 18-14 ФЕА рақамли «МАЗ-500» белгили, У. Халилов З 03-60 ФЕ рақамли уловларида Фарғона магистраль йўлида «пойга» уюштирдилар. Бир-бирини доғда қолдиришга аҳд қилган шоввозлар йўл тезлиги 50 километр қилиб белгиланганига қарамай, уни 90 га оширишди. Яхшиямки бахтларига ДАН ходими Т. Маматов бор экан. Ўз вақтида тўхтатилган «пойгачилар» жарима тўлашга мажбур бўлишди.

А. ҲАКИМИЯ

ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

Илгари ҳозиргидек доридармонлар йўқ пайтида қаттиқ йўталиш куйидагича даволаганлар:

500 грамм арчилган пиёзни майда қилиб тўғраб, унга 50 грамм асал ва 400 грамм шakar қўшиб, бир литр сув билан уч соат давомида паст оловда қайнатилган. У совуғач, шишаларга солиб оғзини маҳкам ёпиб қўйишган. Керак пайтда ҳар кун 4-5 ош қошқандан ичиб турилган.

Мабодо сизни бош оғриги қийнаса, чап қўлингизни орқа бўйингизга, ўнг қўлингизни эса кўкрагингиз устига қўйинг. Шу ҳолатда кўзингизни юмиб, 10-15 минут ўтиринг.

Ангина бўлганда эса, томонингизга ўнг қўлингиз кафти-

ни маҳкам босиб туринг, чап қўлингизни эса бўйингизни орқасига қўйинг. 15-20 минутдан бу муолажани бир неча кун қайтарсангиз, тузалиб кетасиз.

Тумов бўлганда чап қўл кафти бурун усти ва пешонага қўйилади, ўнг қўл эса кўкрак устида бўлади. Орадан 15 минут ўтгач тумов тарқаб кетади.

БИЛАСИЗМИ...

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкilotининг маълумотларига кўра японлар дунёда энг узоқ умр кўришар экан: аёллари ўртача 82,5 ёш, эркеклари — 76,5 ёш. Улардан кейин француз ва Швейцария аёллари (уларнинг ўртача умри 81,5 ёш), греклар (74,3), шведлар (74,2), америкаликлар (71,6) турришар экан.

Муҳаррир Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1. Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизини Байроқ орденли босмаҳонаси 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Муҳаррир, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, 37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегии МВД Республики Узбекистан 26399 нусхада чоп этилди.